# Qishloq hayoti

Қишлоқ хаёти

2012 йил Мустаҳкам оила йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 6-NOYABR, SESHANBA, 130 (8055)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Бозор муносабатларининг ривожланиши билан мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ошиб бормоқда. Унинг республикамиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2000 йил билан таққосланганда 31 фоиздан 54 фоизга ошди. Ушбу соҳада фаолият олиб бораётганлар сони шу даврда 2 баробардан ошиб, 75 фозини ташкил этмоқда.



Наманган шаҳридаги "Махсусметаллсаноат" масъулияти чекланган жамиятида автомобиллар учун юқори босимли газ баллонлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Автомобилларда газ ёнилғисидан фойдаланишда ишлатиладиган мазкур баллонлар хориждан келтирилар эди. Ушбу лойиҳа самарасида шундай газ баллонларини ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



1900 йилда Кегайли туманида таваллуд топган Турган момо Асқарова барча фарзандларини яхши тарбиялаб элга қўшди. Оиласининг ҳар жиҳатдан мустаҳкам бўлишига бор куч ғайратини сарф этди. Ҳозирда момо қирққа яқин невара, йигирмадан зиёд эвара ардоғида Истиқлолнинг истиқболли кунларига шукрона айтиб умргузаронлик қилаётир.


САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА


## Куннинг муҳим воқеалари

► Бухоро вилояти мусиқали ва драма театрида "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда Бухоро шаҳридаги Абдулхолиқ Ғиждувоний номли маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

► **Гулистон шаҳридаги Олим Хўжаев номли мусиқали драма театри ва 1-сонли мусиқа санъати мактабида "Янги авлод-2012" болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи ўтказилди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, вилоят "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда туман ва шаҳар босқичларида саралаб олинган 350 нафар иқтидорли ёшлар иштирок этди. Тадбир сўнгида 24 нафар иқтидорли ёшлар ғолиб деб топилди ва фестивалнинг республика босқичига йўлланмаларни қўлга киритди.**

► Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида "Энг яхши патронаж ҳамшира" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда кўрик-танловнинг қуйи босқичида ғолиб бўлган 14 нафар патронаж ҳамшира ўз маҳоратини намойиш этди. Якуний натижага кўра, Шаҳрисабз тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-сон поликлиника патронаж ҳамшираси Соҳиба Жабборова биринчи ўринни қўлга киритиб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Наманган Вилояти



## ТАЪМИНОТДА БАРҚАРОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

**Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 июнда қабул қилинган «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2012/2013 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида Наманган вилоятида электр энергияси, иссиқлик ва газ таъминотида барқарорликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

"Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси – ҲЭТК" очиқ акциядорлик жамияти томонидан қиш мавсумига пухта тараддуд кўриш мақсадида электр энергияси қурилма ва тармоқларини тўлиқ кўрикдан ўтказиш ва уларни капитал ҳамда жорий таъмирлаш ишлари изчил олиб борилди.

Жумладан, вилоятдаги 323 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати тасарруфидаги 1109 кўп қаватли уйни электр энергияси билан барқарор таъминлаш учун 134,7 километр узунликдаги узатиш тармоқлари ва мавжуд трансформатор подстанциялари таъмирдан чиқарилди. Истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида шаҳар ва туманлардаги 74 объектда реконструкция ва модернизация ишлари бажарилиб, 56,6 километрлик электр узатиш тармоқлари қурилди ва ишга туширилди. Ностандарт, эскирган 19 комплект трансформатор подстанциялари замонавийларига алмаштирилди. Натижада Мингбулоқ, Тўрақўрғон, Поп, Косонсой, Наманган, Учқўрғон, Уйчи, Чортоқ туманларидаги қатор қишлоқ ва маҳаллаларда электр энергияси таъминоти янада яхшиланди.

**СУРАТДА:** *электромонтёр Шамсиддин Фазлиддинов, "Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" очиқ акциядорлик жамияти техник ишлаб чиқариш хизмати бошлиғи Аҳадхон Акбаров, электромонтёрлар Зуҳриддин Отахонов ва Шерзод Қодиров.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Сирдарё Вилояти

## БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

**Гулистон шаҳрида вилоят ҳокимлиги, прокуратура, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ўтказилди. Унда 214 та корхона, ташкилот ва муассасалар 2670 дан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этди.**

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация ва реконструкциялаш, янгиларини барпо этиш, чет эл инвестициясини киритиш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараси маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги иш ўринлари ташкил этишда яққол кўринмоқда.

— Шу йилнинг май ойида Хитой давлатидан 200 минг АҚШ долларига янги технология олиб келиб, Сайхунобод тумани марказида янги ғишт заводини ишга туширдик, — дейди "Сайхун ғишт қурилиш" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Олимжон Шаметов. — Ҳозир корхонада 15 нафар ёш меҳнат қиляпти. Яна 35 нафар ёшни ишга олишни мўлжаллаб турибмиз. Завод тўла қувватда ишга тушса, кунига 50-60 минг дона хом, 20-30 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш имкониятига эга бўламиз. Меҳнат ярмаркасида 15 нафар ёш корхонамизда ишлаш истагини билдириб биз билан шартнома тузди.

— Мен Тошкент политехника институтининг гидроэлектротехника факультетини тамомлаганман, — дейди Ширин шаҳрида яшовчи Алишер Расулов. — Меҳнат ярмаркасида қатнашиб, Сирдарё насос станцияларини таъмирлаш ва электрлаштириш бошқармасига ўз ихтисослигим бўйича ишга жойлашдим.

Эътиборли жиҳати шундаки, меҳнат ярмаркасида қатнашган юзлаб ёшлар ўз ихтисосликлари бўйича доимий иш ўринларига эга бўлди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

МУНОСАБАТ

Хоразм Вилояти

## ФЕРМЕРЛИК ИСТИҚБОЛИ

### ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИБ, ҚАЙТА ИШЛАШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ

**Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиздаги минглаб фермерлар қатори менинг ҳам қалбимни фахрга тўлдирди. Мазкур ҳужжат биз фермерларга кўрсатилаётган яна бир ғамхўрлик ифодасидир. Бундай эътибор ва ғамхўрликларга жавобан янада шижоат билан, бор куч-ғайратимизни ишга солиб меҳнат қилишимиз шарт.**

Бу йил об-ҳаво нисбатан қулай келди, сув мўл бўлди. Яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланиб, омилкорлик билан меҳнат қилган деҳқонларимиз пахта тайёрлаш шартномавий режаларини ҳам қисқа муддатларда ортиғи билан бажардилар. Уйган "оқ олтин" хирмонимиз 290 тоннадан, ҳосилдорлик эса гектарига 40 центнердан ошди. Эришилган ютуқлар деҳқоннинг меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилганлиги, барча агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилганлиги самарасидир.

Хўжалигимизда сифатли пахта хомашёси тайёрлашга эътибор берилганлиги туфайли топширган ҳосилнинг асосий қисми биринчи навга сотилди. Бунинг эвазига 160 миллион сўм даромад қилдик. Бундан ташқари, дала шийпонимиз ёнидаги ташландиқ ерларни ўзлаштириш, ариқ-зовурлар четидаги ерлардан унумли фойдаланиш ҳисобига бир гектар майдонда узумзор ва боғ яратганмиз. Ўз эҳтиёжимиздан ортган, аъзоларимизга тарқатганимиздан ташқари эл дастурхонига 20 тонна полиз, кўплаб мева ва сабзавотлар етказиб бердик. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, ана шу маҳсулотларни қайта ишлаб, дўкон пештахталарига чиқарсак, биринчидан, ёрдамчи тармоқларимизда ўн нафарга яқин киши иш билан таъминланади, иккинчи томондан даромадимиз ошади. Муҳими, жамоамизнинг мамлакатимиз иқтисодига қўшаётган ҳиссаси кўпаяди. Шуларни ҳисобга олиб, шийпонимиз ёнида замонавий технологияга асосланган нон ёпиш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари қуришни режалаштирдик.

Қисқа муддат ичида жамоамизда ташкил қилинган ёрдамчи хўжаликда қорамоллар сони 15 бошга етказилди. Тўрт бош соғин сигир, икки юз бош товуқ хўжалик аъзоларининг дастурхони тўкин бўлишини таъминламоқда. Шунингдек, 5 гектар ерда кунгабоқар, 4,5 гектар майдонда шоли етиштирдик. Турмуш фаровонлигимиз, дастурхон тўкинлиги манбаи бўлган ерни эъзозлаш, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Илмий асосда алмашлаб экиш, далаларга маҳаллий ўғит ва микроэлементларга бой тупроқ чиқариш ишлари мунтазам равишда олиб борилади. Айни пайтда истиқболни кўзлаб техника воситаларини кўпайтиряпмиз. Эски трактор ва механизмлар янгиларига алмаштирилмоқда. Ўтган йили ҳам, жорий йилда ҳам янги тракторлар сотиб олдик. Бу агротехник тадбирларни тез ва сифатли ўтказилишини таъминлаш билан бирга, қўшни фермер хўжаликларига ҳам техник хизмат кўрсатиш имкониятини яратмоқда.

**Фарҳод РАҲИМОВ, Қўшкўпир туманидаги "Мадад" фермер хўжалиги раҳбари.**

## АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА МАЪНАВИЙ ХУРУЖ

Миллий матбуот марказида "Ахборот глобаллашуви ва халқлар маънавияти" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ҳозирги ахборот глобаллашуви даври жамиятимиз олдига янги вазифаларни қўймоқда. Ана шу жараён мафкуравий таъсир ўтказишнинг ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганлигини инкор эта олмаймиз. Ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин. Бироқ мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб олиш ниҳоятда қийин.

Тадбирда бугунги кунда ахборот воситалари кўплиги туфайли ахборот танлаш имконияти кенгайганлиги, чақирув ва шиорлардан кўра амалий иш кўпроқ фойда бериши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу борада ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда иш олиб борилмаса, мақсадга эришиб бўлмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда шундай тизим яратилган. Унинг моҳияти Президентимиз асарларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кўрсатмаларида, йўриқномаларида ҳамда бошқа ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Тадбирда мамлакатимиз ёшларини мафкуравий жиҳатдан тарбиялаб, чиниқтиришда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги барча ўқув юртлари жамоалари оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда иш юритиб, ҳар қандай ахборот хуружларидан ёшларни асраш, бунинг учун уларнинг маънавиятини миллий ва умуминсоний қадриятлар билан бойитмоғи лозимлиги таъкидланди.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**





Қишлоқларимиз ҳаёти,
Ислоҳотлар самараси,
Шу куннинг нафаси,
Лавҳаларда акс этган жараён,
Орамиздаги фидойи одамлар,
Қизиқарли маълумотлар,

Ҳаётнинг долзарб муаммолари,
Ахборот ва воқеалар тафсилоти,
Ёшларга берилаётган имкониятлар,
Техник ва технологик янгиланишлар,
Инновацион лойиҳалар

*билан яқиндан танишай десангиз, «Qishloq hayoti» газетасига 2013 йил учун обуна бўлинг!*


## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**Миллий матбуот марказида юртимизда қандли диабетга қарши кураш ва ундан аҳолини муҳофаза қилиш ойлиги бошланиши муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.**

Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари, олимлар, олий тоифали шифокорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда йиғилганларга мутахассислар томонидан қандли диабет, унинг хавфли омиллари, ташхис қўйиш, касаллик асоратларининг олдини олиш ҳақида бир қатор маълумотлар берилди.

Бугун дунёда ушбу касалликка чалинганлар сони кундан-кунга ортиб бораётгани ва унинг оғир асоратларига олиб келаётгани, аҳоли саломатлигига катта хавф солиши таъкидланди. Шунингдек, мамлакатимизда келгусида ушбу касалликни даволашда етук мутахассислар тайёрлаш борасида амалга оширилиши кўзда тутилаётган ишлар хусусида ҳам атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Зулфия АҲМЕДОВА, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент Вилояти

## ИНТЕРНАТНИНГ ЯНГИЛАНГАН БИНОСИ

**Яқинда Пискентдаги 79-мактаб-интернатнинг Олмалиқ кон-металлургия комбинати молиявий кўмагида реконструкция қилинган янги биноси фойдаланишга топширилди.**

Замонавий қиёфа касб этган мазкур интернатнинг ўқув биноси, спорт зали ва ётоқхонаси замонавий мебеллар, ўқув қуроллари, компьютерлар, спорт инвентарлари билан жиҳозланган.

– Интернатимиз ошхонаси ҳам тўлиқ таъмирланиб, замонавий электр ва газ плиталари ўрнатилди, – дейди мактаб-интернат директори Комилжон Мамажонов. – Шунингдек, ҳудудимизда сартарошхона, ҳаммом ва бошқа маиший хоналар ҳам ишга туширилди.

Айни кунда мазкур интернатда 180 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётир.

**Х.САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, соҳада кенг имкониятлар яратиш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан саналади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, иқтисодиётнинг муҳим таркибини ташкил қилувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ички бозорни зарур маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдириш, уни диверсификация қилиш, аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишини таъминлашда алоҳида ўринга эга.



Бозор муносабатларининг ривожланиши билан мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ошиб бормоқда. Унинг республикамиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2000 йил билан таққослаганда 31 фоиздан 54 фоизга ошди. Ушбу соҳада фаолият олиб бораётганлар сони шу даврда 2 баробардан ошиб, 75 фоизини ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Мулкчилик тўғрисида"ги, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги, "Кичик корхоналар тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонунлари соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Уларга асосан марказлашган давлат мулки объектлари давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусий мулк қилиб сотилди. Бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга ўтказилди. Бу даврда даставвал савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги объектлар тадбиркорлик субъектларига берилди. Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларига тез мослаша оладиган хўжалик юритишнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари — фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этилди.

2011 йилнинг мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига турли аралашувларни кескин қисқартиришга оид бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар "Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги Қонунлари, шунингдек, Президентимизнинг 2011 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятининг қонуний асослари белгиланиши билан бирга, 2012 йилнинг июль ойидан бошлаб давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан доимий равишда талаб қилиб келинаётган 50 турдаги ҳисоботлар, август ойидан бошлаб 80 турдаги рухсат беришга оид тартиб ва 15 та лицензияланадиган фаолият тури бекор қилинди. 2013 йилнинг 1 январидан эса 65 турдаги статистик ҳисоботлар бекор қилиниши белгиланди. Шунингдек, шу йилнинг 3-чорагидан 12 турдаги статистик ва 20 турдаги бошқа ҳисоботларни, 2013 йилдан 12 турдаги солиқ ҳисоботлари, 11 та турдаги статистик ҳисоботларни тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши белгиланди.

2014 йилнинг охиригача барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботлар топширишнинг электрон тизимига тўлиқ ўтказилиши белгиланди. Ушбу саъй-ҳаракатлар асосида тадбиркорлар ортиқча оворагарчилик, қоғозбозлик каби бюрократик тўсиқлардан халос бўлди, уларга вақти ва маблағларини тежаш имконияти яратилди. Тадбиркорлик субъектларининг барча давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига амал қилинади, яъни унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши белгиланди.

Статистик маълумотларга қараганда, республикамизда хўжалик судлари томонидан 2012 йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид 13435 та иш кўрилган бўлиб, 116,2 миллиард сўмлик маблағларни улар фойдасига ундириш тўғрисида қарорлар қабул қилинган.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларнинг қонун олдидаги тенглигини таъминлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, йўл қўйилаётган ҳар бир қонунбузарлик ҳолатларига қатъий чек қўйиш мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг янада ривожланишига, аҳоли фаровонлик даражасининг юксалишига хизмат қилади.

**Худойқул АЗИЗОВ,**
**юридик фанлари номзоди,**
**доцент.**

**Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Ипак йўлидаги туризм" ўн саккизинчи Тошкент Халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва "Буюк ипак йўли" реклама агентлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида туризм соҳасини янада ривожлантириш ва юртимизга хорижлик сайёҳлар ташрифини кенгайтириш борасида кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Бу эса ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.**

# САЙЁҲЛИК СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Юртимизнинг хушманзара табиати, қадимий обидалари, бетакрор қадриятлари ва анъаналари хорижлик сайёҳлар эътиборини тортмоқда.

Ҳозирги пайтда замонавий туризм жаҳон иқтисодиётининг юқори даромадли ва барқарор ривожланаётган тармоқларидан бирига айланиб бормоқда.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, туризм 2000 йилдан бошлаб жаҳонда экспорт қилинадиган хизматлар, товарлар ва хизмат кўрсатиш бўйича юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Бугунги кунда дунёда туризм соҳасида 195 миллиондан ортиқ киши хизмат қилади ва ушбу тармоқнинг йиллик пул айланмаси 900 миллиард АҚШ долларидан ошмоқда.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон сайёҳлик ривожланиши ва тарихий қадамжолари сони бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаган. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган.

Мамлакатимизда сайёҳлик соҳасининг ҳуқуқий механизмини янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 10 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори туризм ва сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришни янада қўллаб-қувват-



лаш, миллий туристик хизматларни халқаро сайёҳлик бозорларига фаол киритишга хизмат қилади.

Юртимизда сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари, янги-янги сервис хизмати шохобчалари барпо этилмоқда. Шунингдек, янги йўналишлар очилаётгани, мавжуд транспорт-коммуникациялари қайта таъмирланиб, янгилари барпо этилаётгани диёримизга келаётган сайёҳлар сонини йилдан-йилга оширмоқда.

– Ўзбекистонда сайёҳлик тез суръатларда ривожланиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз, – дейди Индонезия сайёҳлик вазирлиги вакили Виллиам Калуа. – Буюк ипак йўли марказида жойлашган мамлакатингизда сайёҳликни тараққий эттириш борасида жуда катта имкониятлар мавжуд. Тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, бой маданиятингиз билан танишишга қизиқувчи индонезияликлар кўп. Шу боис, Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида сайёҳлар алмашинувини янада фаоллаштириш икки мамлакат учун ҳам фойдалидир. Ярмаркада Самарқанд ва Тошкентдаги сайёҳлик фирма ва компаниялари билан икки томон учун ҳам фойдали қатор шартномалар имзоладик.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида бу йил Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Индонезия, Испания, Россия, Таиланд, Франция, Хитой, Чехия, Словения, Швейцария, Вьетнам, Туркия, Туркманистон ва Ҳиндистон каби ўнлаб мамлакатлардан етти юздан ортиқ фирма ва компания вакиллари иштирок этди. Шунингдек, ярмарка доирасида ўзбекистонлик ва хорижлик санъаткорлар томонидан тақдим этилган концерт дастурлари, ўзбек миллий либослари намойиши ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида энг яхши сайёҳлик йўналиши, энг яхши компания ва меҳмонхона, энг яхши стенд сингари йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланди.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

***Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан ғўзапоядан биоёқилғи олиш технологияси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.***

# ҒЎЗАПОЯДАН БИОЁҚИЛҒИ ОЛИНМОҚДА

Институт профессорлари Раҳим Раббимов ва Ғулом Узоқов бошчилигида амалга оширилган бу лойиҳа Муборак "Иссиқлик электр маркази" очиқ акциядорлик жамиятида муваффақиятли синовдан ўтказилиб, дастлабки маҳсулот олинди.

— Кўп йиллардан буён мазкур институт олимлари билан ҳамкорликда бир қатор янгиликларни амалиётга жорий этиб келмоқдамиз, — дейди Муборак "Иссиқлик электр маркази" очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси Роҳатали Ҳайитов. — Ғўзапоядан биоёқилғи тайёрлаш технологияси шулар жумласидандир.

Ушбу янгиликнинг афзаллиги – унда чиқитсиз технология қўлланилган. Яъни, ғўзапояни вакуумда қиздириш орқали 100 килограмм ғўзапоядан 20 фоиз кўмир, 30 фоиз табиий газ, 50 фоиз суюқ ёнилғи олинмоқда. Бундан ташқари, олимлар томонидан ишлаб чиқилган мазкур технология асосида кунгабоқар, оқбош, шўра каби ўсимликлардан ҳам биоёқилғи олиш мумкинлиги ўз тасдиғини топди. Эътиборлиси, биоёқилғи учун керак бўладиган хомашё табиий газ ёки нефтга қараганда бир неча баробар арзондир. Чунки вилоятда катта майдонларда пахта ва такрорий экинлар етиштирилади.

**Феруз ХОЛМИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Тошкент Вилояти

# МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИ ФОРУМИ БОШЛАНДИ

**Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчиларининг республика форуми бошланди.**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳаракат масъул ходимлари, ҳудудлардан сараланган юз нафардан зиёд бошланғич ташкилотлар етакчилари, "Бунёдкор" ёшлар телеклуби вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этмоқда.

Тадбирнинг очилишида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўғил-қизларни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати мамлакатимиздаги йирик жамоат ташкилотларидан биридир. Ҳозирги кунда унга беш ярим миллион нафардан зиёд йигит-қиз аъзо. Ўқув муассасалари, ҳарбий қисмлар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳаракатнинг 15 минг олти юздан зиёд бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу бошланғич ташкилотлар фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсади ёшларга оид давлат сиёсати ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш, ёшларнинг инновацион ғояларини амалга оширишга кўмаклашиш, улар орасидан ижтимоий-сиёсий фаол, табиий етакчилик қобилиятига эга йигит-қизларни топиш ва тарбиялаш, уларнинг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш орқали фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга хизмат қилишдан иборатдир.



Форум доирасида ташкил этилган тадбирда бошланғич ташкилотларнинг бу борадаги иш самарадорлигини янада ошириш, намунали бошланғич ташкилотларнинг ижобий тажрибаларини оммалаштириш, ташкилот олдида турган долзарб вазифалар хусусида сўз юритилди. Етакчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирокида ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, навқирон авлодни турли зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, гиёҳвандлик ва ОИТС каби иллатлардан асрашга бағишланган ўқув-семинарлар бўлиб ўтди.

Форум доирасида жойлардаги намунали бошланғич ташкилотлар тақдимотлари, корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий, ижтимоий-иқтисодий, спорт-саломатлик йўналишларида амалга оширган лойиҳалари бўйича тажриба алмашинуви, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг янги таҳрирдаги Низоми муҳокамаси ҳамда намунавий иш режалари лойиҳаларини тузиш масалаларига бағишланган тадбирлар ташкил этилади. Шунингдек, "Энг намунали бошланғич ташкилоти" кўрик-танлови республика босқичи ғолибларини тақдирлаш, пойтахтимиздаги "GM Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонаси фаолияти билан танишиш ҳамда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТОМЧИЛАТИШДА ҲАР ТОМЧИСИ ФОЙДАЛИ

***Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда кўплаб усуллардан фойдаланилади. Уларнинг энг оммалашгани — ер устидан жўяклар ёрдамида суғоришдир. Аммо мазкур усул сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини бермайди. Сабаби, унда сув экин экилмаган оралиқларга ҳам сарфланади. Натижада сув исроф бўлади.***







Томчилатиб суғориш энг тежамкор усуллардан биридир. Юртимизда томчилатиб суғоришга узоқ йиллардан буён эътибор қаратиб келинади. Шу мақсадда кўплаб ривожланган мамлакатлар технологияси тажрибадан ўтказилган. Бу технологияларнинг ижобий томонлари аниқланган ҳам. Бироқ республикамиз вилоятларига ўрнатилган бир неча ўнлаб чет эл томчилатиб суғориш тизимларининг бирортаси узоқ вақт ишламаган. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, юртимизда сув тежаш технологияларининг ҳуқуқий, ташкилий ва техник асослари яратилмай туриб уларни ёппасига қўллаш мумкин эмас. Бунинг учун томчилатиб суғориш тизимини жорий қилишни илмий ва иқтисодий асослаш, сув тежаш технологияларини жорий қилаётган истеъмолчиларга қонуний имтиёзлар яратиш, сув тежаш технологияларини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак.

Бу борада Тошкент ирригация ва мелиорация институтига мурожаат қилдик ва юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг ечимини шу ердан топгандек бўлдик. Институтнинг бир гуруҳ олимлари томонидан маҳаллий шароитга мос янги — паст босимли томчилатиб суғориш тизими ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу тизим бир неча йилдан бери амалиётда қўлланиб келинмоқда экан.

Мазкур усул ёрдамида 2009-2011 йилларда Сурхондарё вилояти, Термиз туманидаги "Ал-Ҳаким ота" фермер хўжалигида соя ва кунгабоқар экинлари майдонларда тажрибалар олиб борилган. Кутилган натижа ёмон бўлмаган. Паст босимли суғориш тизимини жорий қилиш туфайли мойли экинлардан юқори ҳосил олиш агротехникаси ва сув ресурсларини тежаш бўйича тавсиянома тайёрланган.

Институт олимларининг маълумотларига кўра, мазкур усулда суғориш сув таркибидаги коллоид заррачалар ва микроорганизмлар, шунингдек, диаметри 0,5 миллиметргача бўлган қум ва лойқаларнинг ҳам томчилатгичлардан бемалол оқиб ўтишига имкон беради. Кичик босим остида ишлаши, унда қўлланадиган жиҳозларнинг арзонлиги, конструкциясининг соддалиги, сувдан фойдаланувчилар томонидан ишлатишда қулайлик яратади. Энг муҳими, тизим учун зарур бўлган хомашё ҳамда жиҳозлар ўзимизда мавжуд.

Сув танқис бўлган минтақа ва ҳудудларда сувни кам талаб қиладиган, қурғоқчиликка чидамли, қисқа вегетацияли мойли экинларни етиштириш ва бундай экинларни етиштириш учун сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш долзарб масала саналади.

Ўтган йиллар давомида тўпланган тажрибалар мамлакатимизда полиэтилен материали асосида паст босимли томчилатиб суғориш тизими учун ишлаб чиқилган қувурлар, уларнинг томчилатгичлари юқори ҳароратга ва босимга чидамли эканини кўрсатмоқда. Институт олимлари эса мазкур афзалликларни ўрганиб, уни амалиётга кенг жорий этиш мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Мазкур суғориш тизимини юртимизда такомиллаштириш ва жорий қилиш — минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, меҳнат ресурсларининг тежалишига, ҳосилдорликнинг ошишига, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига, асосийси, сувнинг тежалишига олиб келади. Бундан ташқари, ушбу содда технология анчайин арзон бўлиб, уни тайёрлаш ҳам унча мураккаб эмас.

**Акбар ЭЛМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган вилояти

▼ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ – АМАЛДА

# АВТОМОБИЛЛАР УЧУН ГАЗ БАЛЛОНЛАРИ

